

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHKI IKTISODIY
ALOKALAR, INVESTICIYALAR VA SAVDO VAZIRLIGI
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
DAVLAT BOJXHONA QЎMITASINING
QARORI

44 Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали фақат махсус рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда транзит бўйича олиб ўтиладиган қурул-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий мол-мулк рўйхатининг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2429-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 21 февралдаги 62-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида»ги ва 2014 йил 26 ноябрдаги 322-сон «Ўзбекистон Республикасининг ҳаво фазосида учувчисиз учиш аппаратларидан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 7 февралдаги 2 ва 01-02/12-14-сонли қарори (рўйхат рақами 2429, 2013 йил 20 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали фақат махсус рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда транзит бўйича олиб ўтиладиган қурул-яроғ, ҳарбий техника ва ҳарбий мол-мулк рўйхатининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 2.	Самолётлар, вертолётлар ва ҳарбий мақсаддаги бошқа учиш аппаратлари	8801 00 8802 12 000 0; 8802 30 000 0; 8802 40 003 9	».
------	---	---	----

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

4 (660)-сон

— 9 —

44-45-моддалар

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 январь,
2015/17-1-сон

**Давлат божхона
қўмита раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 20 январь,
01-02/12-03-сон